

Қуръони Карим қандай китоб?



Қуръони Карим – Бутун оламлар Парвардигори ва Яратувчиси бўлган Зотнинг каломидир. У инсонларни бу дунёга келишидан бўлган мақсадни баён қилиш, дунё ҳамда охират бахтига йўллаш ва ўлгандан кейин абадий бахтсизликдан халос қилиш учун туширилган. У ўздан олдинги китобларни тасдиқлаб ва улардаги ҳукмларни насх қилувчи нозил бўлган илоҳий китобларнинг сўнгисидир.

Қуръони Карим абадий оят ва муъжизадир. У Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам ҳақиқий пайғамбар эканлигига далилдир. Аллоҳ таоло инсон ва жинларни шу каби китоб ёки ҳеч бўлмаса битта сурасидай сура олиб келишларига чакирди, лекин улар у сингари бирорта сура олиб келишдан ожиз қолдилар.

Уни бузишга ва ўзгартиришга бир минг тўрт юз йилдан бери ҳеч кимнинг кучи етмади. У қандай нозил бўлса, шундай араб тилида абадий қолажак. Чунки Аллоҳ Қуръони Каримни қиёматга қадар асл ҳолида қолишини ўз қафиллигига олгандир.

Қуръони Карим – ислом динининг асосий ўзаги ва инсон ҳаётини ҳар бир замон ва маконда тартибга соладиган, бошқарадиган дастурдир. У инсонни ягона яратувчиси бўлган Аллоҳга ибодат қилишга чақиради. Яратувчиси ва динини таниш учун инсон нимага муҳтож бўлса шуни баён қилади. Бўлиб ўтган ва бўлажак ғайб ишлари, пайғамбарлар қиссалари, Аллоҳ уларнинг душманларини қандай халок қилгани ҳамда мўминларга қандай нусрат бергани ҳақида хабар беради. Унда ибодатларнинг, муомалаларнинг усуллари, чиройли хулқларга тарғиб ва ёмон одатлардан огоҳлантириш бордир. Яна унда инсонларнинг борар жойи, агар мўмин бўлса, жаннатга, агар кофир ва мушрик бўлса, дўзахга боришининг баёни бордир.

Хурматли, ўқувчи! Аллоҳ таоло араб тилида нозил қилган ва уни инсониятга етказишни буюрган бу буюк китоб муҳимлиги туфайли унинг маъноларини ўз тилингиздаги таржимасини тақдим этишдан бағоятда мамнунмиз. Аллоҳнинг оятлари сизга ҳам етиши ва уни осон тушунишингиз учун бир қанча гуруҳларимиз унинг маъноларини таржима қилишга бор кучларини сарфладилар. Лекин шунга қарамай, биз қанчалик яхши таржима қилишга ҳаракат қилмайлик, бу улуг китобнинг маъноларини тўлигича муъжизавий равишда сизга еткиза олмаслигимизни аниқ биламиз. Шунинг учун ҳам биз, кимки Қуръони Каримнинг ҳақиқатини билмоқчи бўлса ва уни қанчалик муъжизавий эканини ҳис этмоқчи бўлса, унда унга араб тилини ўрганишни тавсия қиламиз.

Ва сўзимиз сўнгига пайғамбарларга салом ва салаватлар ҳамда оламлар Парвардигорига ҳамд айтаемиз.

Қуйидаги QR код орқали Қуръони Каримнинг ўз тилингизга таржима қилинганини ўқийшингиз мумкин



СҚуръони Карим энциклопедияси саҳифамизнинг ҳар бир оят олдидаги мулоҳазалар тугмачаси орқали таржимани ривожлантириш учун юборилган мулоҳаза ва тақлифларингиз бизни мамнун қилади.

www.quranenc.com



موسسة القرآن الكريم
QuranEnc.com

Агар биз билан боғланмоқчи бўсангиз, қуйидаги электрон почтага ёзинг:

info@quranenc.com

www.islamHouse.com